

Нима учун Қуръонда бармоқ учлари эслатилган?



09:30 / 13.06.2019 5975

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Қиёмат сурасида шундай марҳамат қилади:

«Қиёмат куни билан қасам. Ва маломатчи нафс билан қасам. Инсон Бизни унинг суякларини жамлай олмас, деб ўйларми? Аксинча, унинг бармоқ учларини ҳам тиклашга қодирмиз» (1-4-оятлар).

Шу ерда мулоҳаза қилинади: хўш, нима учун инсоннинг бошқа аъзолари эмас, айнан бармоқ учи? Бунинг сабаби шуки, инсоннинг бошқа аъзолари – кўзми, бурунми ёки бошқа аъзоларми, иккинчи бир инсонни кимга ўхшатиш мумкин. Бармоқ учлари эса такрорланмас, ҳеч кимники бошқа бировни кимга ўхшамас экан. Демак, Аллоҳ дунёда ўтган барча инсонларнинг сон-

саноксиз бармоқларини ҳам қиёмат куни дунёда қандай бўлса, шундай ҳолга келтира олишини таъкидламоқда. Бармоқларнинг бу хусусияти яқин-яқинларгача ҳеч кимга маълум эмас эди. 1884 йилда Англияда кишиларга имзо чекиш ўрнига бармоғини босиш жорий қилингандан сўнг ҳеч бир инсоннинг бармоқ излари бошқа бировникига ўхшамаслиги аён бўлди.

“Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар” китобидан